# 12 - Мавзу.

# ДАВЛАТ ВА ДИН. УЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ.

## РЕЖА:

- 1.Дин этикоднинг узига хос куриниши сифатида
- 2.Диннинг багрикенглик мохияти
- 3.Дуневий далат ва дин
- 4.Диний кадриятлар ва жамиятнинг маънавий хаети

ЭЪТИКОД тушунчаси. Эътик,од (арабча «иътакада» феълидан) ишонч.  имонли булиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътикод инсон фаолияти учун маънавий асос, йул-йурик, ва мулжал булиб хизмат к,илувчи, акл, хис ва ирода воситасида англанган билим, гоя ва шу асосда шаклланадиган максадлар мажмуини хамда уларнинг тугрилигига ишонч билан боглик,булган психологик холатни ифодалайди..

**Соглом эътикод шахс дунёкараши тизимидаги роли:**

- биринчидан шахс дунёкарашидаги баркарорликни белгиловчи халка сифатида чикишида;
- иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин булган кийинчиликлардан чучимасликка, уларга карши кураша олиш ва бартараф этишнинг окилона йулларини излашга;
- учинчидан, хулкидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаоликни таъминлашга хизмат килишида куринади;

Дин эъткоднинг узига хос куриниши сифатида. Диний эътикод бу — инсон иродасидан юкори турган зотга иймон келтириш, ундан мадад олиш, асотирий вокеа –ходисаларнинг такрор содир булиши ва унга дахлдорлик хамда муайян тасаввур, акида мукаддас китоб, пайгамбар, авлиё ва хоказоларга ишонч демакдир.

## Ислом динида имони муфассал куйидаги акидани

- Аллох
- унинг фариштлари
- мукаддас китоблари
- пайгамбарлари
- охират куни
- такдир(яхшилик ва ёмонлик аллохнинг иродаси билан булиши)га
- улгандан кейин тирилишга ишонишни узичига олади

***ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК МОХИЯТИ.***

*IX асрдан бошлаб хозирги Узбекистон худудида ислом дини «ахли сунна вал жамоа» йуналишининг ханафий (Имом Аъзам) мазхаби карор топди. Ханафийлик узга динлар ва махаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошка мазхаблардан ажралиб туради. Бу таълимотни такомилга етказган ватандошларимиз — Абу Мансур Мотрудий, Абулмумин Насафий ва Бурхониддин Маргилоний каби алломаларни алохида таъкидлаб утиш лозим.*

- X аср урталарида ислом дунёсида шиа йуналиши (Шимолий Африка, Миср, Сурия, Хижозда - фотимийлар. Яманда - зайдийлар ва хатто аббосийлар пойтахти Багдодда бувайхийлар) устунликка эришган бир пайтда Марказий Осиеда тохирий, сомоний, газнавий ва корахоний хокимлари «ахли сунна вал жамоа» акидасини катъият билан химоя килдилар.

**Дунёвий давлат ва дин.**

- Мустакиллик ижтимоий атеистик хужумкорлик сиёсатига бардам берилди, виждон эркинлиги, конун оркали кафолатланди.
- Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган хамда конун олдида тенгдирлар. Данлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

- Конституциянинг **31-моддасида**, жумладан, шундай дейилади:

  «Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон хохлаган динга эътикод килиш ёки хеч кайси динга эътикод  килмаслик хукукига эга. Диний карашларни мажбуран сингдиришга йул куйилмайди».
- Узбекистон Республикаси Коституциясининг **57-моддасида** диний-сиёсий партиялар тузиш такикланган.

## «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар хакида»ги конун.

- *Ушбу конун 1991 йилда кабул килинган булиб, 1993 йилда киритилган баъзи кушимча ва узгартиришлар билан 1998 йилга кадар амалда булиб келди.*

- Давр талаблари асосида **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида»ги конунни** тубдан узгартириш зарурати тугилди ва 1998 йил I май купи яиги тахрирда кабул
- Конуннинг **8-моддаси**га асосан, диний ташкилотлар 18 ёшга тулган ва республика худудида доимий яшаётган 100 нафардан кам булмаган Узбекистон фукаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга карашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиклаштириш ва йуналтириб бориш учун улар тип республика буйича ягона марказий бошкарув органи тузилиши мумкинлиги хакидаги коида мустахкамлаб куйилди.

- Бундан ташкари яна **9,5,16,19** ва бошка моддаларига бар канча узгаришлар киритилди.
- **Рамазон ва Курбон** хайитлариУзбекистон Республикаси Президенти фармонлари (№ 193, 11.04.1991 й. ; №221, 20.06.1991 й.) билан дам олиш куни деб эълон килингани ва улар оммавий равишда, эмин-эркин нишонлана бошланганини таъкидлаш зарур.

- Имом Бухорий, Бахоуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхорид-дин Маргилоний, Абдулхолих Гиждувоний, Хожа Ахрор Валий каби мутафаккирларимизнинг юбилейлари утказилди.

- *Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, Имом Бухорийнинг хадислар туплами 4-жилдда, Бурхрниддин Марги-нонийнинг «Ал-Хидоя», Имом Термизийнинг «Сунан ат-Термизий», Абу Лайс Самаркандийнинг «Танбехул-гофилин» асарлари. Библия (Янги ахд), шунингдек, Кадимий ахднинг баъзи кисмлари (Сулаймон хикматлари, Рут, Эстер ва Юнус пайгамбарлар тарихи) илк марта узбек тилига таржима килиниб, нашр этилганини хам ана шундай ижобий натижалар сирасига кушиш мумкин.*

Президенти И.Каримов Фармонига биноан ташкил этилган «**Тошкент ислом университети»** куп киррали таълим берувчи, маънавий-маърифий ва илмий марказга айланди.

- Халкимиз диний ва маънавий кадриятларининг хозирги демократик жамият кадриятлари билан уйгунлашиши республикамизнинг келажакда янада равнак топиши, жахон хамжамиятига кушилишида мухим омиллардан бири хисобланади.